

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНING ЎРНИ

*Н.А.Гулбаев**Техника фанлари номзоди**Чирчиқ давлат педагогика университети,**“Информатика ўқитиш методикаси кафедраси доценти**n1894013@gmail.com*

Аннотация. Олий таълим талабаларининг мустақил ишини ташкил қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, ўқитувчидан катта тажриба, маҳорат талаб қилади. “Таълимда ахборот технологиялари” фани бошқа фанлар билан узвий боғланган ҳолда педагогик таълим йўналишларда алоҳида ўз ўрнига эга. Фанда талаба мустақил ишини ташкил қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Мақолада асосий эътибор ана шу хусусиятларга қаратилган бўлиб, ундан келиб чиқадиган муаммолар ечимига қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, мустақил таълим, талаба, ахборот, ахборот технологиялари, самарадорлик.

Аннотация. Организация самостоятельной работы студентов высшей школы является одним из актуальных вопросов и требует от преподавателя большого опыта и мастерства. Предмет «Информационные технологии в образовании» занимает особое место в направлениях педагогического образования, будучи неразрывно связанным с другими предметами. Организация самостоятельной работы студентов по науке имеет свои особенности. Именно этим особенностям и решению вытекающих из этого проблем уделяется основное внимание в статье.

Ключевые слова и фразы: образование, самостоятельное обучение, студент, информация, информационные технологии, эффективность.

Annotation. The organization of independent work of students of higher education is one of the topical issues and requires great experience and skill from the teacher. The subject "Information technologies in education" occupies a special place in the areas of teacher education, being inextricably linked with other subjects. The organization of independent work of students in science has its own characteristics. It is these features and the solution of the problems arising from this that the main attention is paid to in the article.

Key words and phrases: education, self-study, student, information, information technology, efficiency.

Ҳозирги замонавий ўқитиш тенденциясида жуда катта эътибор талабанинг ўқитувчи назоратига мустақил ишларини самарадорлигини, маҳсулдорлигини, илмий амалий салоҳиятини ва бошқа шу каби омилларини оширишга қаратилгандир. Йилдан йилга мутахассислик ўқув режасидаги фанларни ўқитишнинг таркибий қисмида ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил таълимга ажратилаётган соатлар миқдори айрим фанлар учун ажратилган соатлар миқдорининг 50-80 % ни ташкил қилмоқда. Бу эса табиий, чунки ҳозиргидай ахборот коммуникация технологияларининг бундай тезкорлик

билан ривожланаётган даврида мустақил таълимни ташкил қилишга жуда катта эътибор қаратилади. Эътиборли томони шундаки, ахборотли жамиятнинг ривожланиши олий таълим муассасалари олдида замон талабларига мос келадиган касбий фаолият мутахассисларини тайёрлашда нафақат ўз мутахассислигини “яхши биладиган, ўзлаштирган” мутахассисни эмас балки, энг муҳими шундан иборатки, илмий салоҳиятли “мустақил фикр юритаоладиган”, ўзининг касбий салоҳиятини “баҳолай оладиган”, “мустақил тарзда мақсадга эришиш” кўникмаларига эга бўлган, олган билим ва кўникмаларни амалий фаолият учун қўллашга йўналитира оладиган, фаол, изчил “шаклланган” компетентли мутахассисни тайёрлашда эътиборни мустақил таълимни фаол ташкил қилишга қаратишни бош мезон даражасига олиб чиқишни кўндаланг кўймоқда. Бундан ташқари, замонавий шароитларда, компьютер ва телекоммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича ёндашувларда кардинал ўзгаришлар қилинмоқда. Бундай компьютерли телекоммуникация технологияларига асосланган ўқитишнинг ахборотлашган тизимида талабанинг фанлар бўйича мустақил иши вақт бўйича кечиктирилиб талабанинг олган билимларини текширадиган оддий жараён эмас, балки реал вақт мобайнида узликсиз тарзда талабанинг олган билимларини мониторингни бўлиб ўқитувчи билан талаба орасидаги ўзаро фаол алоқадорликни таъминловчи жараёндир, бу эса ахборот алмашиш ва коммуникациялар учун фазовий (географик, масофавий, олий таълим муассасасидан ташқарида) ва вақт чегараларини (дарс жадвалидан ташқари, хоҳлаган вақтда) кенгайтишига олиб келмоқда. Талабанинг мустақил ишини ташкил қилиш муаммоси педагогик жиҳатдан янгилик эмас.

Ҳозирги пайтда жамиятни демократизациялаштириш ва гуманизациялаштириш, инсоният ҳуқуқларини ва эркинлигини кенгайтиши шароитида, мустақил фаолият кўрсатаоладиган ёш авлодни тарбиялаш жуда муҳимдир.

Олий таълим талабаларининг мустақил ишини ташкил қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, Л.Г.Вяткина, М.Г.Горунова, Б.П.Есипова, И.И.Ильясова, П.И.Пидкасистий, В.Л.Шатуновский ва бошқалар, Республикамиз педагог олимларидан А.А.Абдуқодиров, Саидахмедов, М.Ариповларнинг номлари ҳаммамизга таниш ва уларнинг ишлари таҳсинга сазовардир. Ҳозирги замонавий ўқитиш тенденциясида жуда катта эътибор талабанинг ўқитувчи назоратига мустақил ишларини самарадорлигини, маҳсулдорлигини, илмий амалий салоҳиятини ва бошқа шу каби омилларини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин [1].

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин.

Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабларга кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди [2].

Йилдан йилга мутахассислик ўқув режасидаги фанларни ўқитишнинг таркибий қисмида ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил таълимга ажратилаётган соатлар миқдори айрим фанлар учун ажратилган соатлар миқдорининг 50-80 % ни ташкил қилмоқда.

Талабанинг мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Табиийки, талабанинг мустақил ишига раҳбарлик қилиш ва ташкил қилишнинг асосий принципларини кўриб чиққанда жуда катта эътиборни талабада ўқув ва илмий адабиётлар устида мустақил ишлашнинг мустаҳкам кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратиш даркор. Интернет муҳитида берилган топшириқ бўйича керакли ахборотни излаш талабада ахборотни зарурийлигини англаб етиш, таҳлил қилиш, ундан керали маълумотларни синтез қилиш ва натижавий ахборотларни изланишлар олиб бориш учун қўллай билиш кўникмалар, ҳамда фанлар бўйича топшириқларни, ўқув-илмий изланишларни, илмий изланишларни мустақил тарзда олиб бориш ва назорат қилиш бўйича тажрибалар, методикалар шаклланади. “Таълимда ахборот технологиялари” фанида, бошқа фанлар каби талабанинг олган билими босқичма-босқич

назорат қилинади (жорий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат). Амалий машғулотда талабалар билимини назорат қилиш ҳар бир мавзу бўйича олиб борилади. Маъруза материаллари бўйича назорат мантиқий тугалланган мавзулар, ҳамда мустақил ўзлаштириш учун берилган топшириқлар асосида олиб борилади. Билим олишда мустақил фаолият юритиш кўникмасини шаклланиши талабаларда ўзининг билимини узликсиз тарзда, фаол, тизимли тарзда тшлдириб бориш, такомиллаштиришнинг психологик устқурмасини ишлаб чиқаради ва ўзининг ўқув ва кейинчалик касбий фаолиятида ўзини-ўзи ташкил қилишнинг зарурий шартларини ҳосил қилади. Демак, талабанинг билим олишига шахсий маъно бермак зарур, билим олишнинг ички мотивациясини кучайтириш, ўзини-ўзи ташкил қилиш ва ўзини-ўзи ўқитиш кўникмасини ривожлантириш ҳисобига талабани ижодий потенциалини рағбатлантириб (моддий ва маънавий) бормоқ зарур. Шу боисдан ҳам мустақил иш ўқув жараёнининг барча шаклларида бўлиши зарур. Масалан, “Таълимда ахборот технологиялари” фанида талабанинг билимини аниқлаш бўйича турли кўринишдаги босқичма-босқич назоратлар қўлланилади. Булар асосан бошланғич билимни аниқлаш, жорий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат ва тажриба-амалий машғулотлардаги тезкор сўровлар, маъруза материаллари бўйича семестр давомида 2-3 марта назарий сўровлар, мустақил ишлаш топшириқларининг бажарилишини назорат қилишдан иборат. Мустақил таълим олиш жараёнини талаба ўзида касбий фаолиятнинг, чунончи таълимда ахборот технологиялари бўйича пухта, чуқур билимнинг шаклланишидаги муҳим элементлардан бири деб тушунмоғи зарур. “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича талабанинг турли кўринишлардаги мустақил ишини ташкил қилиш учун фанни таркибини мантиқий тугалланган ўқув элементлари кўринишида, яъни мантиқий таркибий элементларнинг дарахт кўринишидаги структурасини яратмоқ керак [3]. Мазкур фан бўйича “Алгоритмлар ва уларнинг хоссалари” мавзуси бўйич 50 дан ортиқ амалий масалалар тузилган. Масалаларни ечиш жараёни дастурлаштириш фани билан боғланган, яни масалани даставвал қўлда ечади ва кейин эса масалани алгоритмлаштириб, C++ алгоритмик тилида кодини ёзади ва компьютерда натижаларни олади. Натижада, талабада, конкрет масалани турли сонли миқдорларда, ва турли ўлчамларда муваффақиятли ечиш кўникмаси шаклланади. Бу ерда “Таълимда ахборот технологиялари” фани билан “Дастурлаштириш” фани биргаликда, узвийликда олиб борилади, улар бир-бирини керакли ахборотлар билан тўлдирди, қўллаб қувватлайди.

Шундай қилиб, олий таълим муассасасида талабанинг мустақил ишини ташкил қилишни ўқитувчи раҳбарлигида умумий ва касбий таълим билимларини олишга йўналтирилган ўқув-услубий-маънавий фаолиятнинг бир тури деб қараш мақсадга мувофиқдир. Мустақил иш, талаба томонидан, ўзининг ривожланиши учун зарур бўлган асосий омиллардан бири деб тушунмоғи керак[4,5].

Талабаларга мустақил иш сифатида ихтисослик фанларидан берилаётган вазифаларни шартли равишда 4 тоифага ажратишимиз мумкин:

- Рефератлар, лаборатория ва амалий иш ҳисоботларини тайёрлаб келиш;
- Мониторинг-кузатиш ишлари;
- Синов – тажриба ишлари;
- Амалий топшириқлар.

Талабаларнинг ихтисослик фанларини ўрганишда ҳар бир мавзунини тўла ўзлаштириш мақсадида дарслик ва ўқув қўлланмадан ташқари диссертация ишлари, монография, рисола ва бошқа илмий мақолалардан фойдаланиши, уларни ижодий ва илмий изланишга, тадқиқотчиликка ўргатади.

Мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим.

- олий таълимнинг комплекс фаолиятидан келиб чиққан ҳолда унинг барча йўналишлардаги ташкилий жараёнини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- фан асослари бўйича ажратилган ўқув соатларини тўғри тақсимлаш, ажратилган соатлар ҳажми доирасида талабаларда ўқув фанининг мазмунини шакллантиришга йўналтириш;

- ўқув жараёнида таълим олувчининг шахсий интеллектдан фойдаланган ҳолда таълим олишни такомиллаштириш бўйича комплекс ечимини таъминлаш;

- мустақил таълимнинг мазмунини шакллантиришда ўқитувчи ўқув фанининг тегишли мавзуси ёки бўлим, бобини назарий, амалий машғулотлар мазмуни билан уйғунлаштириш ва бошқалар.

Ахборотлар ҳажмининг узлуксиз тарзда кенгайиб бориши техник ва технологик жараёнларнинг тараққиёти ҳамда ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан фойдаланишнинг малака ва кўникмаларга эга бўлиш мустақил таълим олишнинг самарадорлигини таъминлаш омилига айланади. Бундай шароитда масаланинг ташкилий ва қулай жиҳатларини назарда тутиш лозим. Жумладан, таълим йўналишларининг ўқув режасига мувофиқ тегишли кафедралар томонидан ўқув фанларининг мазмунини ўзлаштиришга ажратилган мустақил таълим бўйича бир қатор вазифаларни бажариш зарур. Хусусан,

- Мустақил таълим бўйича мавзуларни аниқлаш;
- Ажратилган мавзуларни ўрганиш юзасидан саволлар ва топшириқларни ишлаб чиқиш;
- Мустақил тайёргарлик учун фойдаланиладиган зарур манбалар рўйхатини ишлаб чиқиш;
- Мустақил таълим вазифаларини бажариш муддатларини ва ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларини аниқ кўрсатиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш давр талаби бўлиб, мустақил ишлашнинг барча усуллари машғулот самарадорлигини оширишга хизмат қилади, талабаларни фаол нутқий сўзлашувга жалб қилади, уларнинг мустақиллигини ривожлантириб, ўз ихтисослигига қизиқишини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълим тизимида мустақил таълим: муаммо ва ечимлар”. II Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2012 й.
2. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома. – Вазирликнинг 2009 йил 14 август 286 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.
3. Гулбаев Н.А., Амирова М.Ў. “Таълим жараёнида масофавий таълим муаммолари ва ечимлари”. *Kompyuter lingvistikasi: muammo va uechimlar* (Компьютерная лингвистика: проблемы и решения, Computational linguistics and solutions) mavzusidagi xalqaro an'anaviy onlayn ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. Toshkent, 16-may, 2022-y.
4. Гулбаев Н.А., Хусанова Н.А. ““Та’лимда ахборот технологиялари” fanida nazariy va amaliy bilimlar uyg'unligi ”. МИРОВАЯ НАУКА. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ: Материалы V международной научно-практической конференции (24-25 ноября 2022 г., Волгоград) Отв. ред. Морозов С.А. – Издательство ЦПМ «Академия просвещения», Волгоград 2022. - 306 с.
5. Гулбаев Н.А., Халметова М.Х. “ Ақлли энергетика тизимини бошқаришда моделлаштиришнинг ўрни (*электр тармоқлари мисолида*)”. *Монография*. “Lesson Press” МЧЖ Нашриёти. Тошкент 2022 й.
6. Akhmedov, B. A., Askarova, M. R., Xudayqulova, F. B., Tojiboeva, G. R., Artikova, N. S., Urinova, N. S., ... & Omonova, S. M. (2022). PEDAGOGICAL SCIENCE EDUCATION MANEGMENT IN TEACHING SCIENCE OF PEDAGOGICAL SCIENCES. *Uzbek Scholar Journal*, 10, 529-537.